Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 58 (3559)
11 ШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ КОСМИК УЧИШИНИНГ ПРОГРАММАСИ БАТАМОМ БАЖАРИЛДИ

КОСМОНАВТЛАР ГУБАРЕВ БИЛАН РЕМЕК ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШИШДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Алексей Александрович Губарев билан тадқиқотчи космонавт ЧССР граждани Владимир Ремекдан иборат составдаги халқаро экипаж «Салют-6»—«Союз-27»—«Союз-28» орбитал илмий-тадқиқот комплекси бортидаги ишлар программасини муваффақиятли поёнига етказгач, 1978 йилнинг 10 мартида ерга қайтиб тушди. Космонавтлар Романенко билан Гречко ўртоқлар «Салют-6» орбитал станцияси ичидаги ишни давом эттирмоқдалар.

«Союз-28» космик кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқининг белгиланган райони — Целиноград шаҳридан 310 километр ғарбда ерга қўнди. Губарев билан Ремек ўртоқлар ерга қўнгандан сўнг ўзларини яхши хис қилмоқдалар.

Ҳисоблаб қўйилган вақтда «Союз-28» кемаси орбитал комплекседан ажратилди. Программага мувофиқ «Союз-28» кемаси тормозланди ва унинг бўлмалари ажратилди. Туширилувчи аппарат бошқариб учирилганидан сўнг парашют системаси ишга солинди, бевосита ерга яқин жойда охиста қўндириш моторлари ишга солинди ва шундан сўнг туширилувчи аппарат ерга равон қўнди.

Орбитал илмий-тадқиқот комплексининг бортида икки экипаж ишлаб турган пайтда бир қанча астрономик тадқиқотлар ўтказилди, космонавтлар табиий ресурсларни ўрганиш мақсадларида ер юзининг турли районларини визуал кузатдилар ва фотосуратга олдилар.

Етти суткалик учиш чоғида Романенко, Гречко, Губарев ва Ремек ўртоқлар биргалашиб бир қанча технологик ва медицинавий-биологик экспериментларни ҳам бажардилар.

СССР ва ЧССР олимлари ва мутахассислари тайёрлаган ҳамда Совет ва Чехословакия космонавтлари биргалашиб ўтказган тадқиқот ва экспериментларнинг натижаларини шунингдек, «Салют-6» орбитал станциясининг шундан олдинги учиши чоғида олинган илмий маълумотларни ўз ичига олувчи материаллар ерга келтирилди.

Муваффақиятли тугалланган халқаро космик эксперимент космик фазо илмий-тадқиқотлари соҳасида социалистик интеграциянинг сифат жиҳатидан янги бир босқичини очиб беради.

Халқаро космик учишларнинг ўтказилиши КПСС XXV съездининг қардош социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ҳамма чоралар билан кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлининг конкрет амалга оширилишидан иборатдир.

Беш йилликнинг уч йили плани—СССР Конституцияси кунигача

Ташаббус изидан

«Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-филиали коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига амалий иш билан жавоб бермоқда.

Мебелсозлар январь ойи топшириғини муддатидан илгари оширib адо этишди. Февраль ойи ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Коллективнинг бу йилги режалари янада улкан. Улар беш йилликнинг зарбдор меҳнат йилида 4.122 минг сўмлик мебель буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

— Филиалимиз коллективи, — дейди 3-филиал бошқарувчиси Петр Андреевич Ильинец, — Тошкент шаҳридаги илғор меҳнат коллективларининг СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йилликнинг уч йили планини бажариш ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бугунги кунда Р. Багдасаров, Н. Скороходов, А. Абрамов, М. Ляпина, Н. Маливаний каби пешқадам мебелсозлар 1978 йилнинг 7 октябригача беш йилликнинг 3 ва 4 йиллик топшириқларини бажариш учун курашмоқдалар.



Комсомол аъзоси Шонра Маҳмудова бир неча йилдирки шаҳримиздаги 3-босмахонанинг муқова цехида самарали меҳнат қилиб келяпти. У китоб ва журналларни муқовалаш ишларини тез ва соз бажаради. Кўплар қатори ёш муқовачи шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш ташаббусига қўшилган.

70 ХОНАДОН УЧУН

Пойтахтимизнинг кенжа — Қорасув массивида уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бу ерда бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»нинг 8-қурилиш трести, 1-уйсозлик комбинати каби қатор ташкилотлар бажаришмоқда.

КЕЧА

массивда 70 хонадонга мўлжалланган 30-турар жой биносида жилокорлик ишлари ниҳоясига етказилди.

Қурилиш ишларини бажаришда уйсозлик комбинатининг биринчи пардоз ишлари бошқармасига қарашли Николай Хрюкин, Ефим Петров бошлиқ бригада бинокорлари ўрнак кўрсатишди. Бу бригада коллективлари СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йиллик планини бажаришга қарор қилишган.



«Беш йилликнинг уч йили плани —СССР Конституциясининг бир йиллигигача!» — «Электроаппарат» заводининг кўпгина илғор электрмонтажчилари ана шу шиор остида меҳнат қилишяпти. Ушбу фотолавҳада ҳам сиз мазкур корхонанинг ана шундай илғорлари— Дилором Дўстматова ва Фотима Мамутоваларни кўриб турибсиз. Улар электростанция ва подстанциялар учун шчитларни йиғишмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

• *22 апрель—коммунистик шанбалик куни*

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Ўтган шанба куни 1-уп заводида шанбалик ўтказилиб цехлар, иш жойлари, корхона территорияси, ундаги суғориш тармоқлари тозаланди. Анчагина ишчилар завод ҳовлисида қурилаётган чойхона қурилишида ишлашди. Шанбаликда жами 300 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходим қатнашди.

— 4 мартдаги шанбалик 22 апрелда доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигига бағишлаб корхонамизда ўтказиладиган коммунистик шанбаликка тайёргарликда ўзига хос репетиция бўлди, — деди бизга завод директори Владимир Александрович Аваков. — 22 апрелга қадар биз бундай шанбаликлардан яна икки марта ўтказамиз.

Апрелнинг тўртинчи ҳафтасидаги шанбаликда ҳамма ишчилар одатдагидан зўр ғайрат билан ишлаб, кунлик топшириқнинг камида 110 процентини миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаришади. Инженер-техник ходимлар корхона ҳовлисини ободонлаштиришади. 20 тонна металл парчаси тўплашади. 1100 сўмдан ортиқ маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Меҳнат байрамига айланади

Шаҳримиздаги марказлаштирилган усулда юк ташиш трестининг шофёрлари 22 апрелда бир тан, бир жон бўлиб коммунистик шанбаликка чиқишга аҳд қилдилар.

— Коллективимизда коммунистик шанбаликни меҳнат байрамига айлантириш анъанага айланиб қолган, — дейди муҳбиримиз билан суҳбатда 103-автобаза директори Акбар Пўлатов. — Шанбаликда бажариладиган ишларни ҳозирдан белгилаб қўйдик. Шу куни 217 киши меҳнат қилиб, 4 минг тонна юк ташилади. Автобазамизнинг ҳар бир шофёри коммунистик шанбалик кунида юқори унумдорликка эришишга ҳаракат қилади. Шофёрлар билан биргаликда хизматчиларимиз корхона атрофини ободонлаштиришда иштирок этишиб 200 туп дарахт, ва шунча яшил тўсиқ ўтказишади. Бизга бириктирилган Текстильний кўчасидаги ирригация шохобчалари чиқиндиларидан тозаланиб, дарахтлар таги оқланади.

Коммунистик шанбалик кунида «ЗИЛ—555» маркали машинанинг иккита двигатели ремонтдан чиқарилади ва шаҳримиз корхона ва ташкилотларига яна шу кунги хизматни бажариш учун 140 та машина чиқарилади.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг коллективи 1977 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голибларидан бири деб топилди. 10 март куни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев заводга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Беш йилликнинг учинчи йилида ташсельмашчилар мамлакат деҳқонларига ўн минг та. яъни бултургидан 350 та кўп пахта териш машинаси топширишди. Ҳозир улар ана шу машиналарнинг 20 процентини ташишмоқда. Ўтган йилдан бошлаб ташсельмашчилар ўзларининг машиналарига ўзлари техник хизмат кўрсатишмоқда. Бу ишни ташкил этиш учун заводда махсус участка очилган.

Коллектив ўтган йили 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 процентдан ортиғи экспортга жўнатилди. Ҳозир заводда 1978 йилнинг 10 мартида ерга қайтиб тушган космонавтлар Романенко ва Гречконинг номларини олган икки машина ишлаб чиқарилмоқда.

Коллектив 1978 йилда 1 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва 1979 йилда 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқда.

Заводга Ватан мукофотлари янги муваффақиятларга чорлайди.

ДУМАЛОҚ СТОЛ АТРОФИДА

Беруний номли Тошкент политехника институтида «Халқаро мавзуда лекция ўқувчилар думалоқ стол атрофида» деб аталган клуб тузилди. 14 етакчи ўқитувчи, профессор ва фан доктори бу клубни ташкил этдилар. Ёшларнинг билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида тузилган клубнинг иш планида СССРнинг ҳозирги босқичдаги ички ва ташқи сиёсатини кўрсатиб берадиган мавзулар, фан-техника тараққиёти ва ҳуқуқий тарбия масалаларининг актуал проблемалари мавзулари бор.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Марокаш қироллиги бош министри Аҳмад Усмон ўртасида олиб борилган Совет — Марокаш музокаралари 10 март куни Кремлда ниҳоясига етди.

Совет — Марокаш икки томонлама муносабатлари масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди, савдо-сотиқ, саноат, фан соҳасида ва бошқа соҳаларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришнинг баъзи конкрет йўналишлари белгиланди.

● Кеча Москвада СССР ҳукумати билан Марокаш қироллик ҳукумати ўртасида фосфатлар соҳасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги узоқ муддатли битим, шунингдек, СССР ҳукумати билан Марокаш қироллик ҳукумати ўртасида баъзи моллар айирбошлаш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Суръатни бўшаштирмай

Ўзбекистон ССР кар-соқовлар жамиятига қарашли 2-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси коллективи беш йилликнинг учинчи, зарбдор меҳнат йилида янги марраларни қўчиш учун кун сайин суръатни бўшаштирмай, социалистик мусобақа байрогини баланд кўтармоқда.

Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона ишчи-хизматчилари январь ойида пландаги 200 минг ўрнига 226,2 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган эдилар. Февраль ойида ҳам пландан ташқари ана шунча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан илҳомланган корхона коллективи бу йил 2700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ички резервлардан оқилона фойдаланмоқда.

Коллективнинг 75 нафар ишчиси беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституцияси кунигача бажариш иштиёқида тер тўкмоқда. Улар орасида айниқса кунларда вақтдан ўзиб ишлаётган слесарлар А. Афанасьев, В. Погорелев, Н. Шарофхўжаев ва Н. Майлибоева, Э. Попов, К. Мухторов каби пешқадам ишчилар бор.

2-ўқув ишлаб чиқариш корхона январь-февраль ойларида юксак кўрсаткичга эришганлиги учун жамиятнинг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Т. НАЖМИЙ.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

ЯНГИ ХИЁБОНЛАР

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари бу сафарги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида 32 минг туп дарахт, 92 минг дона яшил тўсиқ ўтказишади.

БУГУН

кўча ва хиёбонларга ўтказилган дарахтлар 6 минг донага, яшил тўсиқлар 14 мингтага етди.

Бу йил районда ўнга яқин янги хиёбонлар ташкил қилинади. Уларнинг энг каттаси — 3 гектарли хиёбон Студентлар шаҳарчасида барпо қилинмоқда. Ҳозир бу ерда кўчатлар учун чуқурчалар қазилмоқда. Қамарнисо кўчасида бир гектарлик ТошМИ ва Олимпия массивларида, шунингдек Сағбон ва Форобий кўчасининг 111-мактаб ёнида ҳам янги хиёбонлар ташкил қилинмоқда.

Ҳозир райондаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари, уй-жой органлари шанба ва якшанба кунлари ўтказиладиган умумхалқ хашарига кизғин тайёргарлик кўришмоқда. Район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари район партия комитетининг янги биноси атрофида ободончилик ишларини ниҳоясига етказишмоқда.



Шу кунларда гўзал Тошкентимизнинг барча районларида кўчат ўтказиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

СУРАТДА: шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли 3-ремонт-қурилиш бошқармасининг Анвар Тўхтаев бош бўлган бригадаси ишчилари метронинг «Ленин майдони» станцияси атрофида ободончилик ва кўналамзорлаштириш ишларини бажармоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

ЎҚУВЧИЛАР ҲИССАСИ

БУГУН

Чилонзор район халқ маорифи бўлимида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойликка бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда икки ойликда ўқувчиларнинг иштироки масаласи муҳокама қилинди.

Район ўқувчилари бу сафар уч ярим минг туп дарахт, 6 минг дона яшил тўсиқ ўтказишади. «Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги» маданият ва истироҳат богида ободончилик ишлари олиб борилади. Бунинг учун боғ участкаларга тақсимланиб, мактабларга бириктириб қўйилди.

Ўзбекистон атир гуллари

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кўкламда ўтказиш учун атир гулнинг нодир «Суперстар» навидан уч минг туплан ортиқроқ кўчат тайёрлади. Гулчилик бўлимининг мудири А. Кияткин 1965 йилда Москва ботаника боғидан учта ғунчаси билан гулнинг битта шохини олиб келган эди. Ўзбек заминига яраниб тушган «Суперстар» гули олиб келинган ана шу совғадан кўпайтиришди.

Бирлашма олимлари шаҳар ва қишлоқларни ясантириш учун атир гулнинг бошқа навлари — «Алишер Навоий», «Баҳор», «Алёнушка», «Муаттар» навларини ҳам чиқардилар. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп — қарийб бир миллион туп атир гул кўчатларини баҳорда ўтказишга тайёрлаб бердилар.

Халқаро мавзуда суҳбат

УХВМ СЕССИЯСИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Пекинда бешинчи чақириқ Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг (УХВМ) биринчи сессияси бўлиб ўтди. Бу сессия, аввало, Мао Цзе-Дуннинг вафот этиб, Хуа Го-Фэн бошчилигидаги янги гуруҳ мамлакатни идора қила бошлагандан кейинги биринчи сессия бўлганлиги учун халқаро жамоатчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Шу боисдан ҳам УХВМ қарорлари, Хитойнинг ана шу қонун чиқарувчи олий органи эълон қиладиган йўл диққат-эътибор билан кутиб турилди.

«Улуғ дарға» деб номланган Мао Цзе-Дун ўтказган авантюристик сиёсат мамлакатга оғир мерос қолдирди. Мао Цзе-Дуннинг 50-йиллар охирида амалга оширган «катта сакраш» ва «халқ коммуналари» экспериментлари, 1966 йилда бошланган машъум «Улуғ маданий революция» (Франциядаги «Экспресс» газетасининг таъбири билан айтганда, бу «маданий революция» ҳамма ёқни вайрон қилувчи, шафқатсиз, конхўрликдан иборат гражданлар уруши тусини олди), ҳунавейбинларнинг бир неча йил давом этган бебошлиги мамлакатни бош-бошдоқлик гирдобига ташлади, унинг экономикасини анча орқага итқитиб юборди. Ана шуларнинг ҳаммаси аҳолининг тўмтоқ даражасига ҳалокатли таъсир қилди, халқ маорифи бутун системасини барбод этди.

Англияда чиқадиган нуфузли «Экономист» ҳафталик газетасининг ходимлари яқинда Хитойга узоқ муддатли сафар қилиб келдилар.

Шу газета марҳум «Улуғ дарға»нинг экономика соҳасидаги режалари «тўла-тўкис мағлубиятга учради», деган хулосага келди. Аввалги маочи раҳбарларнинг айби билан мамлакат оғир аҳволга тушиб қолганлиги ХХР давлат кенгашининг бош министри Хуа Го-Фэннинг сессиядаги докладида ҳам ўз аксини топди, у ҳал этилмаган бир қанча иқтисодий проблемалар борлигини, шунингдек, мамлакатнинг илмий-техникавий жиҳатдан қолоқлигини тан олди.

Хўш, Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари ана шу проблемаларни ҳал этиш, 900 миллион аҳолиси бўлган, кейинги ўн йилликлар давомида доимо ларзаларга дуч келиб турган каттакон мамлакатни машаққатли тангликдан қутқариш учун қандай йўлни таклиф қилмоқдалар?

УХВМ сессияси Хитойда «тўрт модернизация» деб аталган режани амалга ошириш тўғрисидаги шиорни тасдиқлади. Шу режалар орасида экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдан ташқари «замонавий мудофаани вужудга келтириш режаси ҳам бор. Хуа Го-Фэннинг докладида Хитойни шу асрнинг охирига бориб «буюк қудратли давлатга» айлантириш зарурлиги тўғрисида кўпгина дабдабали гаплар айтилди.

Бирок бир қатор халқаро обзорчилар бу гаплар унчалик асосли эмаслигини айтиб, Пекинда Мао замонларида ҳам ана шундай шиорлар ўртага ташланганлигини эслатмоқдалар. Улар ХХРни аср охирида дунёнинг пешқадам мамлакатлари қаторига чиқариб олиш тўғрисидаги даъват мамлакатни янада милитаризациялаш, «уни урушга тайёрлаш» тўғрисида сессияда эълон қилинган йўлга зид эканлигини, чунки бу йўл Хитой экономикасини ҳарбий изга солишни, меҳнаткашлар ғарданига янгидан-янги машаққатларни юклашни назарда тутишини уқтирмоқдалар.

Ниҳоят, Хуа Го-Фэннинг «мамлакатда ялпи тартиб ўрнатиш» кераклиги тўғрисида сессияда ўртага қўйган вазифаси унинг «синфий курашни кучайтириш», «тўртлар шайкасини чуқур фош этишни пировардига етказиш» тўғрисидаги даъватига ҳеч мос келмайди. Бу даъват амалда «тўртлар шайкаси» деб аталган тўдани, яъни Мао Цзе-Дуннинг тул қолган хотини Цзян Цин гуруҳини сиёсий жиҳатдан обрўсизлантириш, унинг тарафдорларини давлат ва партия органларидан мутлақо қувиб чиқариш, уларга қарши репрессия бошлаш юзасидан Хитойда олиб борилаётган кампания давом эттирилишини билдиради.

Пекиннинг ташқи сиёсат йўлига келганда, сессияда Маонинг «уч дунё» концепцияси, «ўта буюк давлатлар гегемонизмига қарши курашнинг бирлашган фронти» деб аталган фронтни вужудга келтириш йўли яна тасдиқланди, бу йўлнинг тиғи Совет Иттифоқига ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга қарши қаратилган.

Шундай қилиб, УХВМ сессиясининг якунлари гарчи Пекинниинг янги раҳбарлари Мао сиёсати мамлакатни дучор қилган иқтисодий кулфатлар ботқоғидан чиқариб олишга интилаётган бўлсалар ҳам, аммо улар Маонинг абгор бўлган доктриналаридан воз кечишга тайёр эмаслар. Улар ўз сиёсатининг «давомийлигини, бу сиёсат Мао Цзе-Дун анъаналарини давом эттиришини таъкидламоқдалар. Ҳолбуки, ўтмиш билан алоқани узиш, Мао ақидаларидан воз кечишгина Хитой олдида юксалиш ва равнак топишнинг, барча қўшни давлатлар билан тинч ҳамкорлик қилишнинг реал истиқболини очиб берган бўлур эди.

В. СЕРОВ. (ТАСС).

● *Бошланғич партия ташкилотларида*

Резервларни ишга солиб

«Узбектекстильмаш» бирлашмаси коллективи олдида бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 50 миллион сўмга ошириш вазифаси турибди. Бу вазифани уддалаш учун ишлаб чиқариш резервларини излаш ва ундан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда халқ назоратчиларининг роли каттадир. Корхона партия комитети халқ назоратчилари группасининг йиллик иш планини тасдиқлаётганида ана шуни ҳисобга олди. Хом ашё, материал, электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш, иқтисод ва тежамкорлик режими юзасидан оммавий рейдлар ўтказилмоқда. Маҳсулот сифатининг аҳволи, молиявий интизомга риоя қилиш, материалларнинг ҳисоби ва уни сақлаш каби масалалар юзасидан текширишлар ўтказилади.

Бу текширишларнинг натижасини муntазам равишда «Экран»нинг махсус сонларида ёритиб бориш, ишчи йиғилишларида муҳокама этиш топширилди.

Назарий билимга эътибор

«Миконд» заводи партия комитети «Техник-иқтисодий тараққиёт» халқ университети тингловчилари учун назарий конференция ўтказди. Унда ишлаб чиқариш командирлари — цех, бўлим, бригадаларнинг бошлиқлари сўзга чиқишди.

Конференцияда «КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши», «СССР янги Конституцияси — марксизм-ленинизм назариясига қўшилган йирик ҳисса», «Социалистик демократиянинг афзалликлари» ва бошқа мавзуларда қизиқарли суҳбат бўлди.

Қизиқарли мавзуда

Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрика ва бўлимларида мамлакатимиз ва халқаро ҳаётга доир лекциялар мунтазам ўқилмоқда. Ўртача ҳар куни актуал мавзуларда 5—6 лекция ўқиляпти. Бош инженер В. Зиков марказий лаборатория инженери М. Габитов, иккинчи фабрика касаба союз комитети раиси Т. Роденко ва бошқалар ғоят актив тарғибот қилишмоқда. Лекциялар кўргазмали агитация воситалари билан қизиқарли ўтказилмоқда. Мавжуд лекторийлардан ташқари «Совет давлатининг асосий қонуни» тематик лекторийси очишга қарор қилинди. Лекторлар группаси совет турмуш тарзига доир тематик кечалар, шунингдек оғзаки журналлар уюштириш тадбирларини ҳам белгиладилар.

Илғорлар тажрибаси—ҳаммага

Бу корхонада коммунистлар меҳнатда шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Коммунист Шоира Холмуҳамедова ва Анна Гладкова-лар 1980 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

«Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай илғорлар жуда кўп. Ш. Холмуҳамедова ва А. Гладкова меҳнатдаги муваффақиятлари учун СССР Енгил саноат министрлигининг «Социалистик мусобақа ғолиби» фахрий нишонлари билан тақдирландилар.

Корхона партия комитети ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ишлаб чиқариш илғорларининг мувaффақиятларига мастер ёрдамчилари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, коммунист Ф. Хўжаев машиналарнинг беками-кўст, бир меъёрда ишлашига эришмоқда. Натижада ишчилар юқори зичликка ўтиб меҳнат қилмоқдалар. Ф. Хўжаев нормадаги 16 ўринга 27 машинага аъло хизмат кўрсатмоқда. Бундай илғорлар тажрибаси бошқаларнинг янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишларига катта ёрдам беради.

Г. РОЗИНБЛИТ.

● ЛОЙИҲА УСТАХОНАЛАРИДА

ПОСЁЛКА БУНЁД ЭТИЛАДИ

«Узгипросельстрой» институтининг комплекс лойиҳалаш Жиззах бўлими коллективи «Коммунизм» совхози марказий қўрасида уй-жойлар қуриш чизмасини бинокорларга топширди. Бу ерда марказдан ситиладиган, замонавий маданий муассасалари бўлган агрошаҳарча барпо этилади. Совхоз ишчиларининг уй-жойлари бир қанча хусусиятларга эга — ошхона, ваннахона, газлаштирилган, квартираларда катталар ва болалар учун алоҳида-алоҳида ётоқхоналар бор.

Жиззах чўлида янги посёлкаларни қуришда қардош республикалардан келган архитекторлар ҳам қатнашмоқдалар. Масалан, грузиялик мутахассисларнинг лойиҳаси бўйича Гафур Гулом номли совхозда посёлка советининг биноси қурилди. Галаород районидаги К. Маркс номли посёлкада эса 624 ўринли мактаб қурилмоқдаки, унинг конструкциясини олмаоталик архитекторлар ишлаб чиқишган.

(ЎзТАГ).

● «УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бундан ўн йил муқаддам Мирзачўлда, янги ўзлаштирилган қўриқ ерда Абай номли совхоз ташкил этилганди. Бу янги хўжалик жуда тез суръатларда тараққий этиб, Жиззах областидаги сертармоқ йирик хўжаликка айланди. Йилдан-йилга қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда. Ҳозир совхоз ишчилари йилига 4 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилишяпти.

Абай номли совхозни Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати оталиққа олган. Совхоз коллективининг йилдан-йилга қувончли натижаларга эришаётганида оталикдаги ташкилот—тўқимачилик комбинати коллективининг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Комбинат совхозга ҳар томонлама оталиқ ёрдами кўрсатяпти. Жумладан, металл, чўян ва резинатехника буюмларидан тайёрланган эҳтиёт қисмларни совхоз асосан тўқимачилик комбинатидан оляпти. Бу деталлар қишлоқ хўжалик машиналари учун ишлатилади. Бундан ташқари тўқимачилар совхоз меҳнаткашларига дала шийпонларини жиҳозлаш борасида ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида Тўқимачилар маданият саройининг ҳаваскор санъаткорлари совхоз ишчиларига концерт программаларини намойиш этишади.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Масалан, биргина ўтган йили комбинат Абай номли совхозни 500 килограмм резина-техника буюмлари, 1 тонна-ю 600 килограмм чўян ва пўлат қуйилмаси ва 3231 сўмлик металл кирқувчи асбоблар билан таъминлади. Бундан ташқари пахта териш машиналари учун 265 дона шестерня ҳам етказиб берилди. Комбинат рассомлари дала шийпонларини жиҳозлаб, кўргазмали қуроллар тайёрлаб, турли жадвал ва диаграммалар чизиб бердилар.

Яқинда комбинат маъмурияти вакиллари оталиқдаги хўжаликда бўлишиб, совхознинг ишлари билан танишдилар. Шундан сўнг совхоз пахтакорлари ва комбинат тўқимачилари ўртасида 1978 йилда ҳамкорликни янада давом эттириш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Абай номли совхоз директори С. М. Ментоев, совхоз бош инженери М. Жаримбетов, бош иқтисодчи Г. М. Гусев ўртоқлар оталиқдаги корхона вакилларини хўжалик ҳаёти билан, шунингдек, совхоз меҳнаткашларининг бу йилги режалари билан таништирдилар. Улар бегараз ёрдамлари учун Тошкент тўқимачиларига миннатдорчилик изҳор этдилар. Чунки, совхоз билан корхона ўртасидаги дўстона ҳамкорлик пахтакорларга ҳар томонлама фойдали бўлмоқда. Бу «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг ёркин намунасидир.

Комбинат маъмурияти совхоз коллективи билан шартномани имзолар экан, бу йил совхозни 2,5 тонна металл прокати, 1,5 тонна чўян ва пўлат қуйилмаси, 800 сўмлик резинатехника буюмлари ва 600 сўмлик металл кирқувчи асбоблар билан таъминлаш юзасидан мажбурият олди.

Бундан ташқари комбинатнинг механика заводида совхоз учун қишлоқ хўжалик техникасига зарур бўлган 1,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Бу йил ҳам дала шийпонларини жиҳозлаш ва безатиш ишлари давом эттирилади. Бундан ташқари совхоз меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатилади. Тўқимачилар билан пахтакорлар ўртасидаги ҳамкорлик тимсолида «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг янада мустаҳкамлана бораётганлигини яққол кўриш мумкин.

С. САЙДАЛИЕВ, В. АПАСОВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетаси ходимлари.



Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдирмоқда. Корхонада «Йиллик планни — СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажарамиз» шиори остида ишлаётганлар сафи кенгайиб борляпти. Ушбу фотолавҳада сиз корхонанинг илғор машинисти Раиса Илёсовани кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ишчи беш йиллик планни уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

М. Нуриддинов фотоси.

СТУДЕНТЛАР ШАҲАРЧАСИ

Янгиерда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг филиали қурила бошланди. Мирзачўлдаги олий ўқув юрти шаҳарчаси комплексига саккиз минг студентга мўлжалланган ўқув корпуслари, ётоқхона, маданий-маиший бинолар, амалий ва илмий ишлар ўтказиладиган экспериментал участкалар ҳамда лабораторияларнинг киради. Пойтахт олий ўқув юртининг ана шу филиалини лойиҳалашда филиал студентлари активи иштирок этдилар.

● ПОЙТАХТНИНГ УЛКАН ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИДА

МАЙДОН КЎРКИ

Репортаж

Метрополитенинг «Халқлар дўстлиги» станцияси қаршисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти ва партия архиви бинолари қурилмоқда.

—Объектда «Главташкентстрой» 11-«Висотстрой» трестига қарашли 69-қурилиш бошқармаси оинокорлари меҳнат қилишмоқда,— дейди участка бошлиғи Г. Бродский.— Институт оиноси олти қаватли, архив ўн бир қаватли бўлади. Уларнинг қанчалар улкан бўлишини билиш учун бинолар 42610 квадрат метр майдонни эгаллашини айтишнинг ўзи кифоя қилса керак.

...Сариқ тусли баҳайбат кран хартумига темир-бетон устунни илиб, курсалган жойга аста-секин ўрмалаяпти. Моҳир монтажчилар бирма-бир колонналарни ўрнатишяпти. Яна бир кран эса ғалдирма машина темир ишкилларга ағдариб кетган бетон қоришмасини юқори қаватда ишлаётган бетончиларга узатишга тайёргарлик кўряпти.

Бу ишларни В. Денисов бошлиқ бригада бажармоқда. Бригадада 40 нафар оинокор бор. Улар сифат ва самарадорлик беш йиллигида 1 миллион 989 минг сўмлик иш бажарамиз, деб ваъда беришган. Ўтган икки йилда 724 минг ўрнига 774 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этишди.

— Бизда ўз ишини миридан-сиригача биладиган илғор механизаторлар кўп,—деди у — коллективнинг пешқадам пайвандчиси Борис Идельчик.— улар самарали ишлаш билан бирга ҳунар-техника билим юртини битириб қуруvчи деган шарафли номни эгаллаш учун келган ёшларга мураббийлик қилишяпти.

Коллективда бир неча касбни ўзлаштириб олган оинокорлар кўплаб топилади. Дурадгор Александр Иванов электр пайвандчилик ва монтажчилик касбини, Анатолий Филатов пайвандчилик касбидан ташқари арматурачилик ва монтажчиликни, электр пайвандчи Сергей Пожитков эса бетончилик ва арматурачилик касбини яхши билишади.

...Институт биносининг тўртинчи қаватида темир-бетонли оралиқ деворларни пишиқ ғишт билан тўлдираётган ғишт теручилар Отаниёз Сапаев ва Геннадий Кузьминларнинг қўлиқўлига тегмайди.

—Чиройли ва сифатли қилиб терсак биздан кейин механизатор қиладиган пардозловчиларга ҳам енгил бўлади, —дейди О. Сапаев.

Интернационал бригада, деб ном олган бу коллективда ўзбек, рус, татар, қозоқ, корейс ва бошқа миллат вакиллари худди бир оила фарзандларидек аҳиллик билан меҳнат қилишади. Беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ишлаб, айни кунларда май, июль ойлари ҳисобига меҳнат қилаётган бригаданинг кўпгина аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг Мактубдан руҳланган ҳолда ўзларининг шахсий беш йиллик планларини 3.5—4 йилда бажаришга қарор қилишган.

— Бу йил ўз кучимиз билан 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, институт биносида май ойида пардозловчиларнинг иш бошлашига замин яратишга ҳаракат қиляпмиз.— дейди бригада етакчиси В. Денисов.

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказган Бутуниттифоқ социалистик мусобақанинг якунларига кўра трестимиз голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ҳамда СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилишга мушарраф бўлди. Бундай мукофот бригадамизнинг барча аъзоларини замонавий хизмат кўрсатилади. Тўқимачилар билан пахтакорлар ўртасидаги ҳамкорлик тимсолида «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг янада мустаҳкамлана бораётганлигини яққол кўриш мумкин.

С. САЙДАЛИЕВ, В. АПАСОВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетаси ходимлари.

Ишчи—улуғ ном

КАСБГА ИХЛОС

Салкам йигирма йилдан бери Тошкент трактор заводида шофёр бўлиб ишлаётган Деҳқонбой Мирзатоев ҳақида ҳамкасблари: «Шунча йил мобайнида автомашинада босган йўли ер куррасини ўн беш марта айланиб чиқишга тенг» дейдилар. Э-ҳа, ер куррасининг айланаси қирқ минг километр бўлса, демак Деҳқонбой Мирзатоевнинг шахсий ҳисобига олти юз мингдан ортиқ километр масофа ёзилибди-да. Умуман, шофёр халқи қизиқарли воқеаларнинг биринчи гувоҳи бўлади. Турган гапки, Деҳқонбой ака олти юз минг километр масофани босиб ўтгунча кўпгина воқеаларнинг шоҳиди бўлган.

1958 йилда Совет Армияси сафида ўз бурчини адо этиб қайтган Деҳқонбой вақтни ўтказмай, «Ташавтомаш» (ҳозирги Тошкент трактор заводи)нинг 15-цехига штамповкачи бўлиб ишга кирди. У пайтда завод эндигина «2ПТС—4-793» маркали прицеплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, бу ерда токарь, штамповкачи каби малакали ишчиларга талаб кучли эди. Деҳқонбой ўйлаб ўтирмай зарур бўлган штамповкачилик касбини танлади, астойдил унга меҳр қўяди. Зарур вақтларда ишдан кейин қолиб бўлса ҳам планни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Коллектив орасида обрў топди. Мазкур цехда уч йил ҳалол меҳнат қилди. Лекин вақт ўтган сайин, шофёрлик касби ҳумор қилиб, рулга ўтириш иштиёқи кучаяверди. Бу вақтга келиб у ишлаётган 15-цехда малакали ишчилар бир мунча етарли бўлиб қолганди. Ниҳоят, 1961 йилнинг декабрида Деҳқонбой яна машина рулини бошқаришга муваффақ бўлди. Заводнинг 9-автотранспорт цехида кишлай бошлади. Мана, 16 йилдан ошибдики, у ўз касбини эъзозлаб, сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. Бу вақт мобайнида коллективнинг, завод маъмуриятининг ишончини, ҳурматини қозонди. Хоҳ енгил машинани, хоҳ юк машинани, хоҳ автобусни бошқармасин, завод эҳтиёжини қондиришни ўз бурчи деб билган Д. Мирзатоев асло меҳнатдан бўйин товламади. 1973 йилда эса Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Энди у коммунист сифатида партия ишончини оқлаш учун янада яхшироқ хизмат қилишни ўз бурчи деб ҳис этди.

Цехда ўтказиладиган техника кўриги ойлиги даврида бу автохўжаликда иш қизиб кетади. Ана шунда Деҳқонбойнинг ҳам зиммасига 2—3 фрезерчи, штамповкачи каби малакали ишчиларга талаб кучли эди. Деҳқонбой ўйлаб ўтирмай зарур бўлган штамповкачилик касбини танлади, астойдил унга меҳр қўяди. Зарур вақтларда ишдан кейин қолиб бўлса ҳам планни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Коллектив орасида обрў топди. Мазкур цехда уч йил ҳалол меҳнат қилди. Лекин вақт ўтган сайин, шофёрлик касби ҳумор қилиб, рулга ўтириш иштиёқи кучаяверди. Бу вақтга келиб у ишлаётган 15-цехда малакали ишчилар бир мунча етарли бўлиб қолганди. Ниҳоят, 1961 йилнинг декабрида Деҳқонбой яна машина рулини бошқаришга муваффақ бўлди. Заводнинг 9-автотранспорт цехида кишлай бошлади. Мана, 16 йилдан ошибдики, у ўз касбини эъзозлаб, сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. Бу вақт мобайнида коллективнинг, завод маъмуриятининг ишончини, ҳурматини қозонди. Хоҳ енгил машинани, хоҳ юк машинани, хоҳ автобусни бошқармасин, завод эҳтиёжини қондиришни ўз бурчи деб билган Д. Мирзатоев асло меҳнатдан бўйин товламади. 1973 йилда эса Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Энди у коммунист сифатида партия ишончини оқлаш учун янада яхшироқ хизмат қилишни ўз бурчи деб ҳис этди.

Цехда ўтказиладиган техника кўриги ойлиги даврида бу автохўжаликда иш қизиб кетади. Ана шунда Деҳқонбойдай шофёрлар орасида тушунтириб, уни жонлантириб юбориш, кўча ҳаракати хавфсизлиги ойлигини муваффақиятли ўтказиш учун автохўжаликдаги ташкилий ишларни ривожлантириш каби муҳим тадбирлар шулар жумласидандир. Ана шундай жамоатчилик ишлари, кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ва 1975 йилдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу мукофот сафдил коммунист, жонкуяр устоз, ҳақиқий ишчи меҳнатига берилган юксак баҳодир.

— Деҳқонбой Мирзатоев цехимизнинг фахрли ишчиси, тажрибали устозидир.— дейди автотранспорт цехи партия ташкилотининг секретари Сафар Илёсович Хўжамқулов. — У коммунист сифатида ишлаб чиқариш топшириғини ҳар ойда 140— 150 процент қилиб бажариш билан бирга партия ташкилотининг ҳар бир кўрсатмасини садоқат билан ўринлайди, жамоат ишларида актив иштирок этади. Деҳқонбой ўзининг ҳалол меҳнати туфайли бир неча марта «Фахрий ёрлиқ» ҳамда қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланган. Бир неча марта социалистик мусобақада ғолиб чиққан. Уйлаймизки, у ўзининг машинаси билан ҳеч бир нуқсонсиз ер куррасини яна бемалол 15 марта айланиб чиқади.

И. ҚЎЗИЕВ,
кўп нусхали «Тракторостроитель» газетасининг ходими.



СУРАТДА: агрегат заводининг пешқадам ишчиси Жўрабой Йўлдошев тасвирланган. Бу илғор ишчи беш йиллик шахсий план-топшириқларини 3,5 йилда бажаришга ваъда берган.

И. Шониёзомов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ФЕСТИВАЛЬ ЭМБЛЕМАСИ БИЛАН

Республика пойтахтидаги металл-фурнитура заводи Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг бешинчи Тошкент фестивали эмблемаси тушириlган значок-ёдгорликлар ишлаб чиқарди. Значок намуналари Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигининг давлат махсус бадиий конструкторлик-технология бюросида ишлаб чиқилган.

ЯМ-ЯШИЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институтининг олимлари табиий яйловлар маҳсулдорлигини ошириш методини ишлаб чиқдилар. Улар чўлдаги ўт қоплами ўсишининг самарали стимулятори сифатида суюқ, мураккаб ўғитни тавсия қиладилар. Ишлатиш қулай, зарур озуқа моддаларидан ташкил топган бу ўғит тез ва узоқ вақт таъсир кўрсатади.

Синовлар Нурота этакларидаги табиий яйловларда ўтказилди. Бу ерда бўз тупроқли ерлар кўп. Тажрибалар натижасида ерда озуқа элементлари, айниқса азот кўпайтирилди. Шундай қилиб мана шу қуруқ зонада ҳам ўт тез кўпайди. Кўк масса ҳосилдорлиги гектар бошига 5—10 центнер ошди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР УҚУВИ

«Средазирсовхозстрой»га қарашли икки ўқув комбинати орол бўйидаги барча шоликор совхозларда ташкил этган синфларда механизаторлар «Сибиряк» комбайнини ўрганишга киришдилар.

Бу йилги шоли ўримйиғими бошлангунга қадар 360 нафар ёш комбайнчи тайёрлаш кўзда тутилган. Ўқиш хўжаликларнинг марказий устахоналарида ўтказилмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК АСОСИДА

Ф. Хўжаев номли Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари меҳнат байрами шарафига 200 минг квадрат дециметр чарм тежашни мўлжалладилар. Бу хом ашёдан 12 минг жуфт эркаклар калта этиги ва сандалет ишлаб чиқарилади. Энг моҳир бичикчилардан Н. Авилова ва А. Соколовалар зиммасига 4,5 минг дециметр чарм тежаш юкланди. Технологияга қаттиқ амал қилиш, ишга ижодий муносабатда бўлиш уларга қар куни фабриканинг «тежамкорлар жамғармасига» 100 дециметргача хом ашё қўшишга ёрдам беради.

— Бичиш цехининг коллективи бизга катта «меҳнат фронтини» тайёрламоқда, — дейди бирлашманинг фрезерчиси Т. Мусаев.— Биз тикув цехининг ишчилари улар шанбаликкача тежаб қолган хом ашёдан ғоят унумли фойдаланамиз.

Шахсан мен 22 апрель куни икки кунлик нормани бажаришга ва маҳсулотни биринчи сортга топширишга ваъда бераман.

Бу чекинкини пресс-чилардан Л. Усмонова ва Л. Титовалар кўпайтиришга киришдилар. Юзлаб ишчилар меҳнат байрамида смена топшириғини ошириб адо этишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

КЕМАСОЗЛАР ҲИММАТИ

БУХАРЕСТ. Совет-Руминия транспорт ташкилоти — «Совромтранспорт» маркали денгиз ва дарё кемалари бундан 30 йил илгари Руминия портларидан биринчи марта суза бошлаган эди. «Совром»ни яратиш тўғрисидаги шартнома Руминиянинг энг катта кемасозлик марказларидан бири—Олтеницада имзоланган эди. 30 йил мобайнида бу ерда Совет Иттифоқи учун 400 га яқин ҳар хил денгиз ва дарё кемалари қурилди.

ОЛДИНГИ МАРРАДА

ПРАГА. Прагада энг катта «Моторлет» авиамоторлар заводининг яқинда ўз ишини тамомлаган корхона партия конференциясида коммунистлар авиадвигателларни тайёрлашда сермеҳнат операцияларни 3 процент камайтиришга қарор қилдилар. «Моторлет» коллективи юксак меҳнат унумдорлиги ва ўз буюмларининг сифати билан шуҳрат қозонган. Шахсий тамга қўйиш ҳуқуқига эга бўлиш сингари «иш сифатини гарантиялайман» шиори остида бошланган ҳаракатда «Моторлет» заводида барча ишчиларнинг 50 проценти қатнашмоқда.

«Моторлет» заводи қабул қилган социалистик мажбуриятлар орасида Совет Иттифоқига юбориладиган граждан ва спорт самолётлари учун турбореактив двигателлар етказиб бериш йиллик планини муддатидан илгари адо этиш мажбурияти ҳам бор.

СИФАТ УЧУН КУРАШ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикасининг жунни қайта ишлайдиган корхоналари саноат бирлашмасининг коллективи янги йилнинг икки ойи мобайнида учинчи категориядаги маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравардан зиёд камайтирди. Коллектив қабул қилган ва Монголия касаба союзлари марказий кенгаши маъқуллаган социалистик мажбуриятларда учинчи категориядаги буюмларни ассортиментдан тамомила чиқариб ташлаш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бирлашма коммунистларининг энг муҳим иши бўлиб қолди.

ДЎСТОНА АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ҚОБУЛ. Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кунининг 57 йиллиги муносабати билан Нангархар вилоятининг маркази—Жалолобод шаҳрида тантанали кеча ўтказилди.

Бу кечада вилоят раҳбарлари, Афғонистон—Совет дўстлиги жамиятининг активлари, давлатга қарашли механизациялаштирилган фермалар қурилишида ишлаётган афғон ва совет мутахассислари қатнашдилар.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Жалолобод ирригация комплексининг раҳбарлари кечада сўзга чиқишиб, Совет-Афғонистон ҳамкорлиги дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик эканлигини таъкидладилар.

Афғонистон нинг «Жумҳурият» газетаси дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 57 йиллигига бағишланган мақоласида қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари доим тенглик, миллий суверенитетни ҳурмат қилиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида ривожланмоқда.

ХАВФ ОСТИДА

РИМ. «Умумий бозор»нинг Европа иқтисодий ҳамкамиятига аъзо бўлган мамлакатлар кемасозлик саноати ишлаб чиқаришини қисқартириш режалари Италияда кучли безовталик уйғотди. «Коррьере делла сера» ҳафталик газетасининг хабар қилишича, бу чора яна 15 минг меҳнаткашнинг ишдан бўшатилиши хавфини туғдиради.

Капиталистик дунёнинг кемасозлиги жуда таҳликали тангликни бошидан кечирмоқда, шунинг натижасида ишлаб чиқариш камаймоқда, ишсизлар кўпаймоқда. Бу тенглик Япония ва АҚШ билан рақобат қилишга қурби етмайдиган Ғарбий Европа кемасозлик компанияларига айниқса кучли зарба берди.

Италияда ҳаддан ташқари оғир аҳвол вужудга келди. Кейинги 10 йил ичида шу тармоқ корхоналарида 14 минг ишчи ишдан бўшатилди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлайди «Коррьере делла сера» газетаси, компанияларга кемасозлик корхоналари ва ёндош корхоналарнинг минглаб меҳнаткашларини атиги бир неча ой давомидагина иш билан таъминлайдиган миқдорда буюртма берилган. Бу меҳнаткашлар ҳам камроқ иш ҳақи тўланиб, қисқартирилган иш ҳафтасига кўчирилган Венеция ва Палермодаги минглаб кемасозларнинг кунига учрай деб турибдилар.



Босиб олинган араб территорияларида Исроил ҳарбий посёлкаларини ташкил этаётган Тель-Авив халқаро жамоатчилик норозилигига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига қарамай босиб олинган ерларнинг «ўзлаштириш» сиёсатини давом эттирмоқда.

СУРАТДА: Синай ярим оролида Исроил ҳарбий посёлкаси қурилиши.

ТАСС фотохроникаси.

ШАФҚАТСИЗ ҲУКМ

УЛАН-БАТОР. Монгол халқи Америка маъмурларининг хатти-ҳаракатларини инсон ҳуқуқларининг жуда кўпол бузилиши, деб баҳолайди, дейди МХР Фанлар академиясининг вице-президенти, тинчликни ҳимоя қилиш Монголия комитети раисининг ўринбосари Ш. Бира. Ж. Харрис устидан чиқарилган ҳукм — прогрессив фикрлар учун қабиҳ ўч олишдан бошқа нарса эмас. Биз жаллодларнинг қўли дарҳол ушлаб қолинишини талаб этамиз.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Д. АБДУЛЛАЕВ: Республикамизда ОСВОД жамияти бор деб эшитдим. Иложи бўлса шу жамиятнинг қачон ва қаерда ташкил топганлиги ва бажарадиган вазифалари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: ОСВОД — сувдан қутқариш жамияти Россияда Петр I томонидан ташкил қилинган. Унинг зиммасига денгизда дам олаётган дворянларни хавф-хатардан муҳофаза қилиш вазифаси топширилган. Кейинчалик у ижтимоий вазифани ўташга киришган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси галабасидан кейин бевосита доҳийимиз В. И. Ленин раҳбарлигида мамлакатимизда Бутунроссия сувдан қутқариш жамияти — ОСВОД ташкил қилинди. Жамиятнинг биринчи президенти этиб Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин сайланган.

Жамият бажарадиган вазифаларга қуйидагилар киради:

Дарё ва кўлларда меҳнат қилаётган ва дам олаётган кишилар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш;

Аҳолини, биринчи галда болаларни сувда сузишга ва чўкаётган кишиларга ёрдам беришга ўргатиш;

Дарё ва кўл соҳилларидаги дам олиш зоналарида ҳордиқ чиқараётган кишилар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва қўриқлаш;

Гражданларни моторли, эшкакли ва елканли кайиқларда сузишга ўргатиш, қайиқларни ҳар йили техник кўрикдан ўтказиш;

Гидроэлектростанция ва каналлар қурилиши пайтида сув ости ишларини бажариш;

Дарё, кўл ва канал қирғоқларида қутқариш станцияларини ва постларини қуриш ва уларда ишлаш учун махсус мактабларда говвослар, мотористлар ва сузишни ўргатувчи инструкторлар тайёрлаш.

Ҳозир республикамиз пойтахтидаги Ленин ва Акмал Икромов районларидан бошқа ҳамма районларда жамиятнинг бўлимлари иш олиб бормоқда.

* * *

ҲУСНИДДИНОВА, ҚОРАХОНОВА: Биз ҳозир саккизинчи синфда ўқиймиз. Парашют спорти билан шуғулланишни жуда яхши кўрамиз. Шаҳримизда шундай спорт билан шуғулланишни ўргатадиган жой борми?

Жавоб: Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг Тошкент аэроклубида парашютдан сакраш бўйича малака ҳосил қилиш мумкин. Аэроклубга спортнинг бирон тури бўйича разрядга эга бўлганлар 16 ёшдан қабул қилинади. Спортдан аналий кўникмага эга бўлмаганлар эса 17-24 ёшдан қабул қилинади. Аэроклуб Халқлар дўстлиги проспектидаги 8-уйда жойлашган.

КЎЧА ТАҲОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Йўл қоидалари «Мажмуаси»да транспорт воситаларининг ҳаракат тартибигина белгиланиб қолмай, шу билан бирга транспортда пассажир ва юк ташиш қоидалари ҳам белгиланган. Ана шу қоидаларнинг асосий талабларидан бири — юкни тўғри жойлаш ва мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Турғун Икромов ана шу қоидага риоя қилмади. У Халқлар дўстлиги кўчаси бўйлаб К— 701 тракторининг прицепида яхши жойланмаган ёғоч ортиб кетаётган эди. Кўча четида турган автомобилни қувиб ўтаётганида ёғочлар тушиб кетди ва улардан бири А. Михайлов бошқариб бораётган ВАЗ— 2103 маркали 43— 36 ТНК номерли автомобилнинг чап томон гилдирагига урилди. Ана шу зарбдан А. Михайлов машинани бошқара олмай қолди ва йўлда турган ЗИЛ— 164 маркали 05—01 ТНД номерли машинага бориб урилди. Енгил автомобиль техник жиҳатдан бир мунча шикастланди.

УЛЬТРАТОВУШ — „ЧЕВАР“

Москвадаги енгил атлетика манежларидан бирида ғалати бир манзарани кўриш мумкин эди— бу ерда машқ қилаётган спортчиларнинг кийим-кечакларини кўриб, ҳайрон қолардингиз. Масалан, боксчилар майдонга шахтёрлар курткасини, йўлкада югураётганлар эса хушбичим сорочка кўйлак кийиб олгандилар, молот иргитувчилар бўлса машқ чоғи учун кўркам кечки костюмни танлашган.

Тикувчилик саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг ходимлари спортчилардан ишлаб чиқариш синовларида қатнашишни илтимос қилгандилар — улар янги модель кийим-кечакларнинг пишиқлигини «зўр» бериладиган имтиҳондан ўтказиб беришлари керак эди. Аниқроқ қилиб айтсак, улар шу кийим-кечакларнинг чоки нечоғлик пишиқлигини синаб беришлари лозим эди. Газлама чоклари одатдаги ип ўрнига ультратовуш ёрдами билан «тикилган»ди. Олимлар спорт залини синов жойи қилиб бежиз танламагандилар: интенсив машқ чоғида кийим-кечак ҳам кўп карра зўриқишларга дуч келади. Натижада қисқа муддат ичида унинг пишиқлигини тамомила текшириб олса бўлади.

Шундай қилиб, синов тугади. Олинган натижалар кўп куч беришга қарамай, кийим-кечакнинг чоки сўкилмаганлигини кўрсатди.

Имтиҳонга тажриба намуналари эмас, балки Москвадаги «Космос», «Черемушки» бирлашмалари ва Киевдаги «Каштан» фирмаси чиқарган оммавий маҳсулотлар қўйилганди. Бу корхоналарда жорий этилган янги типдаги ультратовуш установкалари кийим-кечакни ипсиз чоклаб, қўплаб тайёрлашга имкон беради. Тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш шароитидаги синовлари синтетик материалларни бу хилда «тикиш» гоятда пишиқлигини тасдиқлади. Шу билан бирга кийим-кечак янада кўркамлашди: ультратовуш «тикишдан» ташқари декоратив безак ишларини ҳам бажаради.

(ТАСС).

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Рост гапга ҳам, ёлғонга ҳам қасам ичиб юрган одам бурдини кетказиб қўяди. Текширмасдан ҳар кимнинг гапига ишонаверган киши бир кун пандейди.

● Занг темирни емиргани каби ҳасад ва ичқоралик одамнинг ўзини кемиради.

● Бировни яхши кўриб ўзига дўст қилган одамнинг кўнгли бойиб боради.

● Меъёрни билган одам ҳеч қоқилмай ҳаётини ширин ўтказади.

● Ҳаётни ширин ўтишини ўйлаган одам касб-ҳунар ўрганиб, уни шу касб-ҳунар билан безайди.

● Ҳақ ҳамиша ғолиб келиб, ноҳақ мағлуб бўлиши муқаррардир.

● Садоқатли дўст ва лаёқатли кўмакчилар энг қимматли давлат ҳисобланади.

● Дўст кишининг аччиқ каломи тўсиқларни кўзингга кўрсатиб, йўлингни равон қилади.

Байт:

Хотиринг топса ғубор дўстингдин асло ранжима,
Душманинг дуосидин аъло эрур дашноми дўст.
(Зебинисо).

● Абу Наср Фаробий айтади:
— Қайси киши ўзида бор гаразгўйликни фазилатга алиштирмас экан, у аҳоли орасидан чиқиб кетиши керак.

● Абу Райҳон Беруний айтади:
— Мақтовларнинг қутби мурувват, мурувватнинг ўқи—асоси тозалик ва покизаликдир.

● Абу Али ибн Сино айтади:
— Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

● Абдуқодир Бедил айтади:
— Сабр қилдинг, дам ҳам олдинг, ҳавода нафас тортдинг. Сабр ва тиришиш денгиз ва гавҳар сингаридир.

● Абул Фарож айтади:
— Ҳасадчилар одамларнинг фақат хато қилиб қўйишини пойлайди, фазилатларини эса кўрмайди. Бундай одамлар, баданнинг соғ жойи қолиб, нуқул ярага қўйишни мўлжаллайдиган пашшаларга ўхшайди.

● Алишер Навоий айтади:
— Инсон тирик экан, ўз ватани учун курашмоғи лозим.

● Ор-номусни аъло сақловчи ва унга соқчилик қилувчи ақлдир.

● Оқил киши одамнинг кетидан ғийбат қилмайди.

Ичкилик оқибати

● Ичкилик ичишга мубтало бўлганлар, аччиғи тез одамлар ойнага қараб, ўзларининг ҳунук тусларини кўрган бўлсалар эди, бу ярамас одатларини ташлаган бўлардилар.

(Афлотун).

Ҳикоят: Бир Ҳаким сира май ичмас экан. Бир куни ёру дўстлари ундан:
— Аё донишманд, нечун май ичмайсан? — деб сўрабдилар.
Ҳаким дебди:
— Мен ақлимни ичадиган нарсани сира ҳам ичмайман.

● Машҳур араб шоири Абу Ало ал Маарий ичкилик ҳақида қуйидагиларни айтади:

● Май косаси ичида жилваланиб турган қуёш алдамчи қуёшдир. У сенинг оғзингга ботишдан эҳтиёт бўл.

● Ақлдан оздирадиган ҳар қандай модда, гарчи у май бўлмаса ҳам, майнинг яқин қариндошларидир.

● Май косаси майхўр қўлида туриб тилга кирганда эди, уни ўз ичида кўтариб туришдан ор қилаётганини айтиб берган бўларди.

● Май ичишга одатланган киши унинг йўлида ҳамма нарсадан, ҳаттоки энг керакли буюмларидан ҳам ажралади.

● Май ёмон ишларни яхши қилиб кўрсатади, ўша ёмонликлардан қайтариб юрган кишиларнинг ўзи ҳам уларга мубтало бўлиб қолади.

● Май ичувчилар сувга бораётган подалардек оғзиларидан нима чиққанини билмай бакиришади.

● Эй, май, улуғ мартабалар биноси ва ақл кошоналари сен туфайли харобага айланди-ку!

● Ақл-идрокда деҳгизга қиёс қилишга арзийдиган кишининг бир коса майга ўзини гарқ қилиши айб ва беҳаёликдир.

● Ичкилик мансаб ва обрўда баланд тоғ ҳисобланадиган улуғ кишиларни ҳам тўрт оёқли ҳайвонга айлантиради.

● Ичувчилар оз фурсатли «лаззат»ни кўзлаб, кетидан келадиган фалокатга эътиборсиз қарайдилар.

Байт:

Гоҳида бода ичсам хомликдан нишон,
Пайдар-пай ичсам бадномликдан нишон,

● Арасту шундай деган экан:
— Маст кўрмасдан босган тиканнинг дардини сезмаганидек, нодон ҳам нодонлигидан нолимайди.


Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.

10 минут кифоя

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида янги бир муҳим тадбир белгилади.

Яқин келгусида корхона территориясида бир вақтнинг ўзида 800 кишига хизмат кўрсатадиган миллий таомлар ошхонаси қурилади. Ҳозир бу ҳашаматли ошхона биносининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланяпти.

Ҳозирги кунда бир-лашманинг умумий овқатланиш комбинатида 24 ошхона, 22 буфет ва завод цехларида савдо кўзда тутилмоқда. Ошхоналарда овқат тайёрлаш ва уни етказиб бериш жараёни асосан автоматлаштирилган. Хўрандаларга тайёр овқатни етказиб бериш ва бўшаган идиш-товоқларни йиғиштириб олиш транспортёр — лента зиммасига юкланган. Ҳар бир ишчи овқатланиш учун атиги 10— 15 минут вақт сарфлайди.



МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА

Ёш талантлар шаҳарчаси

Бош универсал магазинининг орқа томонида — Навоий, Фурқат, Ўзбекистон ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғида тез орада ёш талантлар шаҳарчаси қад ростлайди. Бу ерда Беньков номли республика бадиий билим юрти, Ҳамза номли музика билим юрти, Тошкент театр ва рассомчилик институти, Давлат маданият институти, қобилиятли болаларнинг бошлангич бадиий билим юрти бинолари қурилиши бошлаб юборилади.

— Беньков номли бадиий билим юрти биноси лойиҳасини «Ташгипрогор» институти 4 ва 9-устахонаси архитектор ва инженерлари яратишмоқда,— дейди архитектор Р. Хайрутдинов.— Биполар фойдаланиш жиҳатларига қараб павильон принципи асосида қурилган.

Комплекснинг ташқи кўриниши рангли бетондан ишланган рельефли панно, қўплаб безак пайкаралари, офтобдан ҳимоя элементлари билан жилоланади.

Беньков номли билим юрти лойиҳасининг авторлари архитекторлар В. Бреусенко, Р. Шокиров, инженерлар Б. Вайсман ва В. Алексенкодир.

СУРАТДА: билим юрти лойиҳасининг макети.

Х. Мирзакаримов фотоси.

БИЛИБ ҚЎЙИГАН ЯХШИ

РАССОМНИНГ ИХТИРОСИ

Рўзғорда аёллар ишлатадиган оддий игнанинг тарихини биласизми? У качон пайдо бўлган ўзи? Игна ибтидоий жамоа даврларидаёқ пайдо бўлган экан. Аждодларимиз балиқ ва бошқа ҳайвон суягининг йўғонроқ томонини кремний тоши бўлаги билан тешиб игна қилишган экан. Тахмин қилишларича Европага пўлат игналарни дастлаб араблар олиб келишган экан.

XIV асрнинг охирида игна Германиянинг Нюрнберг шаҳрида тайёрлана бошланди, у ердан Россияга келтирилган, кейинчалик Россияда ҳам игна ясайдиган усталар етишиб чиққан. Масалан, 1677 йили Москва атрофидаги қишлоқлардан бирида атиги бешта игначасоз уста бўлган. Игна ясайдиган машинани биринчи бўлиб Леонардо да Винчи ихтиро қилган, лекин уни кўплаб ишлаб чиқариш Англияда XIX асрда йўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда энг митти игналар ГДРда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай игнанинг узунлиги атиги 9 ёки 10 миллиметр, тешиги эса бор-йўғи 0,4, 0,15 миллиметр келади.

Ишқа оқшоми

● *Кенг истеъмол буюмлари*

ИККИ МИЛЛИОН СЎМЛИК

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган ойнинг бошида аёлларнинг пахмоқдан тикилган европача халатлари, чақалоқлар учун комплектлар тикиш ўзлаштирилганди. Коллектив шу кунгача бу буюмлардан 3 минг сўмликка яқинини тайёрлаб савдо тармоқларига жўнатди.

Корхонада маҳсулот реализация қилиш бўйича январь-февраль ойлари топшириғи ортиғи билан бажарилди. Савдо тармоқларига жами 2 миллион сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлари чиқарилди. Булар хотин-қизларнинг хонатлас ва крепдешиндан тикилган кўйлаклари, чойшаблар, ёстиқ жилдлари ва бошқа буюмлардир.

ТИКУВ МАШИНАСИ

Подольскдаги М. И. Калинин номли механика заводи «Чайка—111» универсал рўзғор тикув машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. У билан ип газлама, шойи, синтетика, жун материаллардан тайёрланадиган буюмларни тикиш мумкин. Машина буюмни тўғри ва эгри-бугри йўл билан, битта ёки иккита игна билан тика олади. Бундан ташқари унда ипни чатиш ҳам мумкин. Тикув машинасининг турли вариантлари: қўл билан, оёқ билан, шунингдек электр қуввати билан ишлайдиганлари ишлаб чиқарилмоқда. Машинанинг нархи 136 сўмдан 203 сўмгача.

ЭКСПЕДИЦИЯ САФАРДА

ДАРЁЛАР ТОҒДАН БОШЛАНАДИ

● ҚОР ВА МУЗЛИКЛАР БАҒРИДА ● ЧҮҚҚИЛАР ДОИМ ОППОҚ ● ТОҒДА ҚАНЧА ҚОР ЕҒДИ? ● ДАРЁ ОЗУҚАСИ ● ҚИШ ТУГАДИМИ?

Сеҳқуёш ўлкамизнинг пасттекислик ва тоғ олди районларига фасллар ичида энг навқирони — баҳор келган бир пайтда, сersув дарёларимиз бошланадиган тоғли жойларда қаҳратон қиш давом этмоқда. Помир, Олой ва Тянь-Шань тоғларида уч минг метр баландликдан юқори бўлган жойларда март, апрель ва май ойлари ҳам қиш ойлари ҳисобланиб, шу вақт ичида йиллик ёғин-сочиннинг ярмига яқини ёғиши мумкин.

Хўш, бу йил пурвиқор тоғларимизга қанча қор ёғди? Шаҳримизда жойлашган Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорология институтининг мушуносислик экспедицияси бу йил ўзининг Абрамов музлигига сафарини давом эттиряпти. Бу йилги 11-қишки мавсумнинг асосий мақсади Вахш дарёсининг юқори оқимида жойлашган Абрамов музлиги ҳавзасига қарашли 55,5 квадрат километр ва 3600 метрдан 4950 метр баландликни ўз ичига олган майдондаги қорнинг қалинлиги ва зичлигини ўлчаб, ундаги сув миқдорини аниқлашдир. Олиб борилаётган ишлар қиш ойлари ҳисобланган октябрь — май ойларида ҳар ўн кунда бир марта олиб борилади. Оғир машаққатда— кислород етишмаслик, паст ҳаво ҳарорати шароитида олинган иш натижалари радио орқали шаҳримиздаги гидрометеорология институтига юборилиб турилади.

Бу ерда ўлкамиздаги ўнлаб станциялардан келган қордаги сув миқдори бўйича маълумотлар электрон-ҳисоблаш машиналарида умумлаштирилиб, дарёларда ёз мавсумида кузатилиши мумкин бўлган оқим олдиндан айтиб берилади.

Абрамов музлигининг бир неча пунктларида об-ҳаво кузатиш ишлари, ундан бошланадиган Кўксув дарёсида эса сув миқдори ўлчаб турилади. Музликдаги станцияда ишлаётган 10 музшунос йигитга 5-марта қишлаётган моҳир мутахассис В. В. Бусигин раҳбарлик қилияпти. Коллектив аъзолари ҳаво ҳарорати 31 даража совуқ, шамолнинг тезлиги эса баъзи кунлари секундига 40 метрга етаётганини кўрсатмоқда. Бу йил февраль ойи ўрталарида Абрамов музлиги ҳавзасидаги қор 3600 метр баландликда 1,5 метр, 4400 метр жойда эса, 3 метр қалинликда эканлигини кўрсатди. Ёққан қор миқдори бултурги шу вақтдагига нисбатан анча кўп. Бу эса, бу йил ёз ойлари ҳаво ҳарорати юқори бўлган тақдирда Амударёда сув миқдори меъёрига яқин бўлишини таъминлайди.

А. АКБАРОВ,
Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорология институтининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

● ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

КИСЛОТАГА ЧИДАМЛИ ЦЕМЕНТ

Ҳозирги вақтда химиклар олдида турган актуал муаммолардан бири — қурилиш материалларининг турли агрессив воситалар таъсирига чидамлилигини ошириш ҳисобланади.

Бу соҳада Беруний номидаги Тошкент политехника институти бағлловчи моддалар ва ўтга чидамли бирикмалар технологияси кафедрасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Техника фанлари доктори, профессор Ф. Х. Тожиев, доцент Т. А. Отақўзиев ва техника фанлари кандидати З. А. Муҳамедбоевалар томонидан кислотага чидамли цемент олиш усули ишлаб чиқилди. Бундай қимматли цемент олиш учун муаллифлар таркибида кварц сақловчи маҳаллий минераллардан фойдаланди-лар. Бенобод порфирити, Қўйтош волластонити ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводларнинг чиқиндиси бўлган фосфоргипсдан фойдаланилганда сув, сульфат кислота ва бошқа агрессив воситалар таъсирига чидамли цемент олиш имконияти исботланди. Ишлаб чиқилган усул ярим саноат қурилмаларида синаб кўрилди.

Олинган цементдан кислота сақловчи қурилмалар яратишда, биноларни безаш ишларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати.

● ЖОНЛИ «МЕТЕОРОЛОГ»ЛАР

ТУРНА ЎЙИНГА ТУШСА...

● Турна барвақт учиб келса баҳор эрта келади. Турна ўйинга тушса кун исийди. Турналар сайраса ёмғир ёғади.

● Агар кечки пайт моллар далада ўтни пок-покиза туширса, эртасига ёмғир ёғади.

● Ёмғирдан олдин ҳўкиз ва сигирлар тумшуғини кўтариб бирор нарсани ҳидлагандай зўр бериб нафас олаверади.

● Агар узоқ давом этган ёғингарчиликда чумчуқлар бирдан чуғурлашиб қолса, ҳавонинг очилиб кетишига умид боғлайверинг.

● Қора чигиртка чирилласа ҳаво очиқ бўлади, чирилламаса ёмғир ёғади.

● Ёмғир йирик-йирик томчилаб ёғса, тез тинади.

● Агар ҳашаротлар мушук ўт деган сариқ гулининг ёнидан учиб ўта туриб, уйга қўнмаса— ҳаво очиқ бўлади, қўнса — айнийди.

● ҚУЛАЙЛИКЛАР АДРЕСИ

Хизматнинг янги усули

«Техсложбитприбор» бирлашмаси хизматнинг яна бир янги усулини жорий қилди. Корхонада музика асбоблари ва тикув машиналарининг барча турларини ремонт қилиш жорий этилди. Буюртмалар телефон орқали ва шаҳримиздаги соат тузатадиган барча устахоналарда қабул қилинади. Мижозлар 91-08-84, 91-05-32, 91-18-93, 77-05-79, 77-25-55, 77-22-24 ва 77-14-72 телефони орқали буюртма беришлари мумкин. Ремонт ишлари ҳамишаҳарларимизнинг вақтига қараб бажарилади.

Бирлашма шунингдек Минск ва Москва заводларида ишлаб чиқарилган электрон соатларни ҳам ремонт қила бошлади. Бунинг учун Весна кўчаси, 223-уйга жойлашган соат тузатапиган устахонага мурожаат қилиш керак.


◆ ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ЎХШАШИ ЙЎҚ

Озарбайжонлик геологлар Бокунинг жануб томонида жойлашган Қотурдоғни жаҳонда ўхшаши йўқ ясси тоғлик деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, уч стадион майдонича жойни ишғол қилган бу ясси тоғлик аслида вулкан бўлиб, ундан тинимсиз ревишда, лекин, одатдаги вулканлардагидек шиддат билан эмас, балки кўз илғамайдиган даражада ўта секинлик билан турли жинслар чиқиб туради. Бу ҳам майли-я! Одатдаги вулканлардан суюқ масса чиқади, бундан эса қаттиқ масса— «тош оқим» йилига 18 метр тезлик билан чиқади.

● *Дам олиш соатида*

ЧАЙНВОРД



1. Олий ўқув юртига кираётган ўқувчи. 2. М. Шайхзоданинг лирик поэмаси. 3. Ўрта маълумотли медицина ходими. 4. Хоразм халқ куйи. 5. Улуғ рус композитори. 6. Машҳур рус совет режиссёри. 7. Совет тупроқшунос олими. 8. «Дон Кихот» романининг автори. 9. Японияда шаҳар. 10. Бухоро областидаги районлардан бири. 11. Пойафзалнинг бир тури. 12. Туркиядаги энг катта шаҳар. 13. Ёзиб тугатилмаган «Водим» романининг автори. 14. Машҳур рус Совет ҳайкалтароши. 15. Нон турларидан бири. 16. Камонли чолғу асбобларининг энг каттаси. 17. «Чин инсон ҳақида қисса» фильмининг режиссёри. 18. Глинка операсидаги персонаж. 19. «Қўқон воқеаси» романининг автори. 20. Сув гули. 21. Ўзбек халқ чолғу асбобларидан бири. 22. Машҳур совет шахматчиси. 23. Бизе операси. 24. Гўзаллик тури. 25. Боши берк кўча. 26. Ўртапишар қовун нави. 27. Шиддатли ҳужум. 28. Атом музёрар кемаси.

Тузувчи: **Илҳом ШОИНОҒОМОВ.**

● *Ранг-баранг олам*

АНТИҚА ШИФОХОНА

Деҳли шаҳрида қушлар касалхонаси бор. Уч қаватдан иборат бу улкан қафасда қаноти ёки оёғи синган қушлар даволанади. Қафас эшиги ҳафтасига бир марта очилиб, «бемор»лар орасидан соғайганлари озодликка чиқарилиб юборилади.

ОЛТИ МЕТРЛИ ПУФАК

Индонезиядаги Ява оролида иссиқ бир кўл бор. Бу кўлнинг сувидан кўтарилган буғ ва газдан айланаси 6 метргача етадиган пуфаклар ҳосил бўлади. Ана шу пуфаклар ёрилганда ҳудди ўқ отишмасидагига ўхшаш товуш чиқади.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ


Голландиядаги кутубхоналардан бирида бир рорта ҳам кутубхоначи йўқ. Кутубхона залида қатор телефон аппаратлари ўрнатилган. Китобхон ўзига зарур бўлган китобнинг тартиб сонини телефонда теради. Сўнгра 20—30 секунд ўтар-ўтмас китоб махсус йўл орқали буюртмачининг қўлига келиб тушади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА







Америкалик бир қатор олимлар маймунларни америкалик кар-соқовларнинг имо-ишораларига ўргатиш бўйича тажриба ўтказишмоқда. Чап суратдаги шимпанзе ҳозир 80 га яқин имо-ишораларни тушунади; «Хаёл оғушида»; мана бу фил боласи (ўнгдаги сурат) яқинда узоқ Шри Ланкадан Сан-Диего ҳайвонот боғига келтирилди. Ҳозирча у ўзини бу ерда ноқулай ҳис этмоқда. Аммо бунинг қизиқарли томонлари ҳам бор.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 МАРТ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Учинчи йил — зарбдор йил» Свердловск қурувчиларининг «Бригаданинг беш йиллик топшириғини и— оз ичи кучи билан бажарамиз» ташаббуси тўғрисида. Кўрсатувда оғир саноат корхоналари қурилиши министрининг ўринбосари Я. И. Жемеров, КПСС Свердловск область комитетининг секретари Ю. В. Петров иштирок этадилар. 19.30 Жаҳон кучли фигурачиларининг нўрғазмали чиқишлари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Консерваториянинг Катта залида Эмиль Гилельс концертлари». 4-кўрсатув. Программада Ф. Шопен асарлари. 22.50 «Биз— Элистаданмиз». Ҳужжатли фильм. 23.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор»— Маск. 3-давр. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9. 55 Болалар учун. «Минора узра байроқлар». Бадиий фильм. 11.30 «Ҳайвонот оламида». 15.30 «Меҳнатинг— иқболинг». Кинопрограмма. 16.35 «Жонажон табиат». 16.55 «Бир умрлик иш». 17.25 Е. Светланова, Н. Якушенко. «Сибирь фантазияси». ССР Иттифоқи Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 17.45 «Ордёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Москва шаҳридаги 146-мактаб директори, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Н. К. Сисоева билан учрашуви.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Ҳайвон ўргатувчилар». Болалар учун мультфильм. 18.45 ВЛКСМнинг 60 йиллигига. «Биз муносиб ўринбосарларингиз, комсомол». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телетомошабинларнинг саволларига халқаро масалалар бўйича шарҳловчи С. Ш. Қурбонов жавоб беради. 19.50 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик хор капелласи ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг кўкламги ташвишлари». 22.15 «Шонли анъаналар ворислари». «Серташвиш ёшлик». Бадиий фильм (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Новосибирск театрининг навқирон балети». Фильм-концерт. 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш» (рус.).

14 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Москва мактаблари ўқувчилари ижросида. совет шоирларининг шеърлари. 10.35 Жаҳон кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. Канададан олиб кўрсатилади. 15.30 «Шипов заказаниги». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.40 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 16.10 «Олис йўл қувончи». 16.40 «ВЛКСМ XVIII съезди олдидан». 17.25 «Усмирлар учун музикали кечалар». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Усмирлар учун музикали кечалар» (давоми). 19.30 РСДРП биринчи съездининг 80 йиллигига бағишланган кўрсатув. 19.45 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 20.05 «Аср бошида». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Штраусиана». Фильм-балет. 22.40 «Уттиз олти қувонч». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильмлар 18.45 Усмирлар учун. «Старшеклассник» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Бухоро область Свердлов райони пахтакорларининг янги марралари». 19.50 Телевизион новеллалар театри. М. Горький. «Республика қироллариданбири». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ҳамда солистларининг концерти. 21.20 «Саричелек». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Партия планлари— халқ планлари». «Қашқадарё область медицина муассасалари қурилишларида». 22.15 «Сирли роҳиб». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм,2-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Санъат турлари. Адабиёт». Эстетикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.05 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари» (рус.). 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

15 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Аср бошида». Бадиий фильм. 11.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 15.30 «Закарпатье, Европа марказидаги қишлоқ». Ҳужжатли фильм. 15.45 А. Сент-Экзюпери. «Кичик шаҳзода». 16.25 «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Ҳарбий-Денгиз Флотининг Марказий спорт клуби— «Динамо» (Москва). Харьковдан олиб кўрсатилади. 17.30 «Горничилар, қаердасиз!».

18.00 «Иқтисод ва тежамкорлик учун». Калуга машинасозлик заводи ҳақида телевизион очерк. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Спортлото» тиражи. 18.55 «Фан оламида». 19.25 Э. Володарский. «Энг бахтли». А. Кольцов номли Воронеж Давлат драма театрининг спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Алла Йошпе ва Стахан Раҳимов куйлайди». Фильм-концерт. 22.30 Кубок эгаларининг кубоги учун. Футбол мусобақалари. 1/4 финал. «Динамо» (Москва)— «Реал Бетис» (Севилья, Испания). Тбилисидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Атом тузилиши». Физикадан ўқув программаси. 12.00 «Умид ороли». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Атом тузилиши». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Кичик концерт». Болалар учун фильм-концерт. 18.20 «Ёш куч». Болалар учун спорт кўрсатуви. 18.50 «Миллионлар дениича университети». «Партия сафларининг ўсиши, унинг сифат составини яхшилаш ҳақида тамхўрлик». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Давоми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Узбекистелефильм»). 19.50 «Илҳом». Иҳодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Сафимизда қолоқлар бўлмасин». Қўқон пайпоқ тўқув комбинатидан репортаж. 22.15 Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Биз ҳам Спасскданмиз». 19.30 «Ўрмон— бизнинг бойлигимиз». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Санъат турлари. Адабиёт». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 21.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

16 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Адабий ўқиш» Л. Сейфуллина. «Мактуб». 10.20 «Биринчи курьер». Бадиий фильм. 11.50 Л. Бетховеннинг скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган сонаталарини Н. Школьникова ва А. Гинзбург ижро этади. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.50 «Борис Полевой ижоди». 17.35 «Водра смяна» ансамблининг концерти (Болгария).

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қор қиз». Мультфильм. 18.55 «Сенинг фарзандингман, Москва». Ҳужжатли фильм. 19.55 Совет қўшиқлари ёш ижрочиларининг концерти. 20.20 «Санъат усталари». Павел Луспекаев. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Музей ва нўргазма залларини бўйлаб». 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Тубан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Малишок» программаси. 12.30 «Тубан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Салом, Рольф», «Бизнинг уй». Болалар учун телефильмлар. 18.30 «ВЛКСМнинг 60 йиллигига». «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 Телевизион театр. Байрон. «Манфред». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Днёр тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Доктор Вера». Бадиий фильм. 23.40 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент)— «Политехник» (Кишинёв). «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент область учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ниши қуён ортидан». Кинокомедия (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.30 «Автоматлаштирилган бошқарув системаси — амалда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

17 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Шаҳримиз ҳақида қисса». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.25 «Келишган йигит». Телевизион бадиий фильм. 12.30 В. Моцарт. 22-квартет. Москва область филармониясининг квартети ижро этади. 15.30 Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг 30 йиллигига. «Болгария бўйлаб». Кинопрограмма. 16.15 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 16.45 Житомир зигир комбинати бадиий ҳаваскорларининг концерти. 17.15 «Москва ва москваликлар» 17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Жасорат»нинг дала почтаси». Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. Карпов олиб боради. 19.30 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун венгер халқ мавзуларига ёзилган фантазия. 19.45 «Алкоголизм». Врачлар суҳбати. 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Тўхташ вақти уч соат». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Салют, фестиваль!». Ешлар программаси. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 12.30 «М. Шолоховнинг «Очилган кўриқ» романида коммунистлар образи». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Париж Коммунаси куни олдидан. «Парижнинг алвон елканн». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Нега қуёшнинг қулоғи узун». Болалар учун мультфильм. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.40 «Жанговар постда» (рус.). 19.05 «Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар». Қашқадарё область Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муртазо Абдураҳимов ҳақида телевизион очерк. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Камолиддин Раҳимов ва Малика Аҳмедова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». Телевизион спектакль премьераси. 1-қисм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Вепоён Ватаним менинг». «Киев». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.40 «Учинчи қўнғироқдан сўнг». Театр кўрсатуви. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Ота-оналар учун консультация. 13.30 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус). 14.00 Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 2-бўлим. 15.15 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». (рус.). 15.45 Реклама. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Санъат ғунчалари». Болалар учун концерт.

18.00 «Динамо» (Киев) командаси иштирокида футбол бўйича СССР кубоги учун. 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 18.45 «Бугун— уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни». 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 Телевизион миниатюралар театри. 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 «Гулшан аро гулчеҳралар». Музикали байрам программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Гулшан аро гулчеҳралар». Музикали байрам программаси (давоми). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.50 Кўрсатувлар программаси. 16.55 «Экран — болаларга». 17.10 «Бўрилар». Телефильм. 17.25 «Днепропетровск». «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан телефильм. 17.55 «Новинки» киноклуби. **Қирғиз тилида:** 19.15 «Айтиш». 19.50 Шоир О. Султоновнинг авторлик кечаси. 21.00 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Саргузашт фильмлар экрани». «24—25» қайтмади». Бадиий фильм. 23.25 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси


9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Вепоён Ватаним менинг». «Киев». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.40 «Учинчи қўнғироқдан сўнг». Театр кўрсатуви. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Ота-оналар учун консультация. 13.30 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус). 14.00 Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 2-бўлим. 15.15 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». (рус.). 15.45 Реклама. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Санъат ғунчалари». Болалар учун концерт.

18.00 «Динамо» (Киев) командаси иштирокида футбол бўйича СССР кубоги учун. 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 18.45 «Бугун— уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни». 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 Телевизион миниатюралар театри. 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 «Гулшан аро гулчеҳралар». Музикали байрам программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Гулшан аро гулчеҳралар». Музикали байрам программаси (давоми). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.50 Кўрсатувлар программаси. 16.55 «Экран — болаларга». 17.10 «Бўрилар». Телефильм. 17.25 «Днепропетровск». «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан телефильм. 17.55 «Новинки» киноклуби. **Қирғиз тилида:** 19.15 «Айтиш». 19.50 Шоир О. Султоновнинг авторлик кечаси. 21.00 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Саргузашт фильмлар экрани». «24—25» қайтмади». Бадиий фильм. 23.25 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *



Узбекистон ССР Енгил саноат министрлиги
«УЗБЕКИСТОН» фирма савдо бирлашмасининг

2-ИХТИСОСЛАШГАН МАГАЗИНИДА

13—18 МАРТ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



Бу ерда Сизни трикотаж ишлаб чиқариши янгиликлари: «Н» индекси қўйилган. Давлат Сифат белгиси берилган ва бирлашма ҳозирги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотлар — болалар ва катталар учун устки ва ички трикотажлар кутади.

Тоза шерсть полотнодан уқа ва тамбур кашта бостириб тикилган жакетлар аёлларга аталган. Улар баҳорги об-ҳаво шароитида қулай ва тежамли.

Шойи полотнодан тикилган ички трикотаж йил фасллари ва об-ҳаво инжиқликларидан қатъий назар, аёллар кийим-бошининг доим ажралмас таркибий қисми бўлиб келган.

Бу ердан Сиз сидирғаранг ва «Супер-гарант» тўри билан безак бериб капронацитат полотносидан тикилган комбинацияларни сотиб олишингиз мумкин. Энг модадаги воланли комбинацияга эса, Давлат Сифат белгиси берилган.

ХОҲЛАГАНИНГИЗНИ ТАНЛАНГ!

ЭНГ ЯХШИСИ — БОЛАЛАРГА!

Трикотаж полотнодан тикилган қиз болаларнинг сарафанчалари кичкинтой «мода ишқибозлари»га жуда манзур тушиб қолган.

Бундай сарафанларни ҳатто анча катта ёшдаги аёллар ҳам жон-жон деб кийиб юришарди, аммо улар учун бошқа стиль — юбка ва шимларга блузкалар мавжуд.

Комплект кийимлар ҳар қачонгидек ҳозир ҳам энг қулай ва модада.

Эркаклар ҳам эсдан чиқмаган — улар учун спорт костюмлари, жемперлар, майкалар, кўпдан-кўп турли хил кўйлаклар: ҳам башанг, ҳам спорт стилида, ҳам Олимпия рамзи туширилган маҳсулотлар тайёрланган

Шундай қилиб, сизларни савдо-кўргазмасига таклиф этамиз! 2-магазин адреси: Тошкент шаҳар, Охунбобоев майдони (7, 8, 11, 16, 19-трамвайлар, 8-троллейбус, 28-автобуснинг «Чорсув» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОИИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/III да **Сўғд элининг қоплони**, 12/III да **Этик кийган мушук** (12.00), **Корсар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да **Ғарiблар**, 12/III да **Келинлар кўзголони** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/III да **Ўжарлар**, 12/III да **Олифта**, 13/III да **Хонума-хоним**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да **Бадбашара ёҳуд эзоп**, 12/III да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастроллари** (12.00, 16.00 19.30).

КИНО

11 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Таҳдир** (катта зал, 17, 20.00).

Равондаги хавфли эшик — (17.30, 19.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (16, 18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқуруни).

Карпат довонлари — «МОСКВА» (17, 20.00), «ВОСТОК» (16, 18.30, 21.00).

Фидойи аёл — «НУКУС» (17, 19, 20.45), «ДРУЖБА» (17, 19, 20.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқуруни).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — ҲАМЗА номли (18.30, 21.00).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (20.30).

12 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Таҳдир** (катта зал, 11, 14, 17.30, 20.00).

Равондаги хавфли эшик — «ЧАЙКА» (17.30, 19.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Карпат довонлари — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00), «ВОСТОК» (10.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фидойи аёл — «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ДРУЖБА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (14.30, 20.30.)

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ ВА ПАССАЖИРЛАРНИ МЕТРО СТАНЦИЯСИГА ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА

11 МАРТДАН БОШЛАБ

БАЪЗИ БИР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТЛАРИ

ЎЗГАРТИРИЛАДИ

28-трамвай маршрути «Юнусобод» массивидан — Энгельс, Первомайск, Лоҳутий, Ш. Руставели кўчаларидан ўтиб «Самарқанд» автостанциясигача боради.

Бу маршрут шаҳар марказидан ўтиб йирик саноат корхоналари, метронинг «Октябрь революцияси номли станцияси». «Дўстлик» ва «Россия» меҳмонхоналари, «Болалар дунёси» универмаги. Олой бозори, социалистик шаҳарча, «Аэрофлот» агентлиги, Санъат ва Ўзбекистон халқлари тарихи музейларига тўппа-тўғри бориш имконини яратади.

29-трамвай маршрути «Юнусобод» массивидан — Энгельс, Хуршид, Пушкин, Генерал Петров кўчаларидан ўтиб «Роҳат» кўлигача қатнайди.

Врачлар малакасини ошириш институтидан «Роҳат» кўлигача қатнайдиган 20-трамвай маршрути бекитилади.

19-троллейбус маршрути Гавҳар кўчасидан «Самарқанд» автостанцияси, Фарҳод ва Қатортол кўчаларидан ўтиб «Чилонзор» массивининг 20-кварталигача боради ва қайтади.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

11 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Бизнинг Москва». 18.30 Янгиликлар. 18.40 Мультфильмлар программаси. «Умка», «Умка дўстини излайди». «Олти кичик пингвин». 19.05 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Жузеппе Верди». Бадиий фильм (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.35 СССР халқлари IV кишки спартакиадасида. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.30 «Ватанпарвар» программаси. 19.00 «Ораста кийинайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 СССР халқ артисти Ҳанифа Мавлонова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дала ҳовли». Бадиий фильм. 23.25 Олий лига командалари ўртасида сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» (Тошкент) — «МДУ» (Москва). В. Митрофанов номли сув Спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Звездочка». Октябрятлар учун (рус.). 19.05 Болалар учун фильм. 19.35 «Новости» информацион программаси 19.50 Ҳужжатли фильм. 20.00 «Пешқадамлар». 20.30 «Ахбор» информацион программаси.20.45 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дилкушо» чойхонаси». 22.45 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

Р—02277.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1258.